

## ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИНИ ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ТАЪМИНЛАШ: ХОРИЖ ВА ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИ НОРМАЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Муродов Бахтиёржон Баходирович,

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги

Академияси тергов фаолияти кафедраси бошлиғи,

Юридик фанлар доктори, профессор.

Бобомуродов Фарход Боймуротович,

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги

Академияси тезкор-қидирув фаолияти кафедрасининг

мустакил изланувчиси,

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).

### АННОТАЦИЯ

*Мақолада ички ишлар органларида тезкор-қидирув фаолиятини жиноят-процессуал жиҳатдан таъминлашига оид хориж ва миллий жиноят-процессуал қонунчилиги нормалари, шу жумладан, Россия, Қозогистон, Беларусь, Озарбайжон, Қирғизистон, Молдова, Тоҷикистон, Туркменистон, Украина ва Ўзбекистон Жиноят-процессуал кодексларининг тезкор-қидирув фаолиятига тааллуқли нормалари мазмун-моҳияти таҳлил қилиниб, илмий асослантирилган таклиф ва тавсиялар билдирилган.*

**Калим сўзлар:** тезкор-қидирув фаолияти, тезкор-қидирув тадбiri, тезкор-қидирув фаолиятининг натижалари, жиноят-процессуал кодекс.

### АННОТАЦИЯ

*В статье анализируется содержание норм зарубежного и национального Уголовно-процессуального законодательства, касающихся Уголовно-процессуального обеспечения оперативно-розыскной деятельности органов внутренних дел, в том числе норм Уголовно-процессуального кодекса России, Казахстана, Беларуси, Азербайджана, Кыргызстана, Молдовы, Таджикистана, Туркменистана, Украины и Узбекистана, касающихся оперативно-розыскной деятельности и рекомендации изложены.*

**Ключевые слова:** оперативно-розыскная деятельность, оперативно-розыскное мероприятие, результаты оперативно-розыскной деятельности, уголовно-процессуальный кодекс.

## ABSTRACT

The article analyzes the content of the norms of foreign and national Criminal procedure legislation concerning the Criminal procedure support of operational investigative activities, including the norms of the Criminal Procedure Code of Russia, Kazakhstan, Belarus, Azerbaijan, Kyrgyzstan, Moldova, Tajikistan, Turkmenistan, Ukraine and Uzbekistan, concerning Operational investigative activities. and the recommendations are outlined.

**Keywords:** operational-search activity, operational-search event, results of operational-search activity, criminal procedure code.

## КИРИШ

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ички ишлар органларининг тезкор-қидириув фаолиятида жиноят-процессуал ҳуқуқий муносабатлар мухим ҳисобланиб, ушбу муносабатлар жиноят содир этилганлиги ҳақида ариза ва хабар келиб тушган вақтдан бошлаб, жиноят процессининг барча босқичларида жиноятни фош этишга қаратилган тезкор-қидириув тадбирлари ва тергов харакатларини амалга ошириш жараёнида юзага келади. Яъни, тезкор-қидириув фаолиятининг натижаларидан процессуал қарорлар қабул қилишда яъни, жиноят ишини қўзғатишдан рад этиш, жиноят ишини қўзғатиб, суриштирув ва тергов жиноят ишларини юритишда фойдаланиш тезкор-қидириув фаолияти ва жиноят-процессуал ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтиради. Ички ишлар органларида тезкор-қидириув фаолиятини жиноий-процессуал таъминланиши жиноят-процессуал кодекс нормалари асосида тартибга солиниб, ушбу нормаларни таҳлил қиласиз. Жумладан, **Россия Федерациясининг Жиноят-процессуал кодексида асосий тушунча сифатида тезкор-қидириув фаолиятининг натижалари(5-м); терговчининг суриштирув органига тезкор-қидириув тадбирларни ўтказиш ҳақида ёзма топшириклар бериши(38-м); суриштирув органи сифатида ички ишлар ходимлари тезкор-қидириув фаолиятини амалга ошириш ваколатига эгалиги(40-м); суриштирув органининг раҳбари қўл остидаги ходимларига тезкор-қидириув тадбирларни амалга ошириши ҳақида кўрсатмалар бериши(40.2-м); суриштирувчининг тезкор-қидириув фаолиятини амалга оширувчи органнинг тезкор бўлинмасига тезкор-қидириув тадбирларини амалга ошириш ҳақида ёзма топшириқ бериш ваколатини мавжудлиги(41-м); тезкор-қидириув фаолиятини амалга оширувчи орган ходимларини холис сифатида ишга жалб этилмаслиги(60-м); жиноят содир этишда гумонланётган, айбланаётган шахсларга нисбатан тезкор-қидириув тадбирлари Россия**

Федерациясининг “Тезкор-қидирав фаолияти тўғрисида”ги қонунга зид равиша ўтказилиб, тўпланган далиллар, номақбул далил деб топилиши (75-м); тезкор-қидирав фаолиятини натижаларидан исботлашда фойдаланиш(89-м); ҳисбда сақланаётган гумонланаётган шахсга нисбатан тезкор-қидирав тадбирларини ўтказиш зарур бўлганида, тезкор-қидирав фаолиятини амалга оширувчи суриштирув органи ходимининг гумон қилинувчи билан учрашувларига жиноят иши олиб борилаётган суриштирувчи, терговчи ёки суднинг ёзма рухсати билан йўл қўйилиши (95-м); тезкор-қидирав фаолиятини натижалари номақбул далиллар асосида тўпланганда жиноят содир этишда гумонланаётган шахс ҳисбда сақланмаслиги(108-м); жиноятга оид хабарларни текширишда суриштирув органига тезкор-қидирав тадбирини ўтказиш бўйича ёзма топшириқ бериши; суриштирувчи, терговчининг тақдимномаси асосида прокурор рухсати билан тезкор-қидирав тадбирлари ўтказилиши 30 кунга узайтирилиши(144-м 3-қ.); тергов органи раҳбарига жиноят иши юборилганида, суриштирув органи у иш бўйича теров ҳаракати, тезкор-қидирав тадбирини фақат терговчи номидан амалга ошириши, жиноят содир этган шахс топилмаган ҳолатда тергов органи раҳбарига жиноят иши юборилган тақдирда, суриштирув органи жиноят содир этган шахсни аниқлаш бўйича тергов ва тезкор-тергов чораларини кўриши, уларни натижаси тўғрисида терговчига хабар бериши (157-м 4-қ.); дастлабки терговни амалга оширувчи тергов гурухи ишига тезкор-қидирав фаолиятини амалга оширувчи мансабдор шахсни жалб қилиниши(163-м 2-қ.); терговчи тергов ҳаракатига тезкор-қидирав фаолиятини амалга оширувчи органнинг мансабдор шахсини жалб қилиб, баённомада қайд этиши(164-м 7-қ.);жиноятларни тегишлигига кўра, Тергов қўмитасининг дастлабки тергов ва суриштирув органлари томонидан тергов қилиниб(151-м); ишда гумонланувчи ёки айбланувчи тариқасида жалб қилиниши лозим бўлган шахснинг шахси аниқланмаса, уни аниқлаш чораларини кўриши, қочиб кетган бўлса қидирав эълон қилиш ҳақида қарор қабул қилиб(209-м); тегишли суриштирув органига қидириш ҳақида ёзма топшириқ бериши(210-м); тезкор-қидирав фаолиятини амалга оширувчи органларнинг мансабдор шахслари суриштирув гурухининг ишига жалб қилиниши(223.2-м 2-қ.)[1] каби қоидалар назарда тутилгани; **Қозогистон Республикасининг** Жиноят-процессуал кодексида асосий тушунча сифатида биринчи инстанция суди тезкор-қидирав фаолиятини назорат қилувчи прокурорнинг процессуал ҳаракатларига рухсат бериши(7-м 9-қ.); тезкор ҳисобларни, ноошкора ўтказилган тезкор-қидирав тадбирлари материалларини лозим топганда талаб қилиш ваколатини судга

берилгани (53-м 6-қ.); тезкор-қидирув фаолиятининг қонунийлигини прокурор томонидан назорат қилиниши(58-м 1-қ.); терговчи юритувидаги жиноят иши бўйича ўтказилган суриштирув органининг ноошкора тергов ҳаракатлари ва тезкор ҳисоблари билан танишиши(60-м 9-қ.); суриштирув органи раҳбари жиноятчиликка қарши курашишда тезкор-қидирув, жиноят-процессуал, жумладан, ноошкора тергов ҳаракатларини амалга ошириш, уларнинг натижасини тергов органига тақдим этиш ҳақида кўрсатмалар бериши(62-м 2-қ.); жиноят ишига жалб қилинган гувоҳ тезкор-қидирув фаолияти, ноошкора тергов ҳаракати материаллари, шахсга доир маълумотлардан ташқари жиноят иши бўйича аризачининг аризаси, кўрсатмаси, бошқа хужжатлар билан танишиб чиқиш ҳуқуқига эгалиги( $65^1$ -м 2-қ.11-б); жиноят ишига жалб қилинган ҳимоячи тезкор-қидирув фаолияти, ноошкора тергов ҳаракати материалларидан ташқари жиноят иши бўйича ҳимояси остида бўлган шахсга доир маълумотлар билан танишиб чиқиш ҳуқуқига эгалиги (70-м 5-қ.); миллий хавфсизлик хизмати, ички ишлар, коррупцияга қарши курашиш хизмати, иқтисодий жиноятларни тергов қилиш хизматининг терговчилари томонидан тегишлилигига кўра, жиноятлар теров қилиниб(187-м); гумон қилинувчи ёки айбланувчи қочиб кетганида қидириб топиш ҳақида тегишли суриштирув органига ёзма топшириқ бериши (292-м); ноошкора тергов ҳаракатларини амалга ошириш(30-боб); тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи тезкор бўлинмалари тезкор-қидирув тадбирини жиноят-процессуал кодекс ва “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида” қонунда назарда тутилган талаблар асосида ўтказиш(673-м)[2]; **Беларусь Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида** ҳалқаро қидирудва юрган шахсни топшириш асосий тушунча сифатида белгиланиб, қидирудва юрган шахсни ушлашда комплекс тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириши(6-м); прокурор терговга қадар текширув материалларидаги тезкор-қидирув фаолиятининг натижалари билан танишишга, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи субъектларга юритувидаги жиноят ишлари бўйича тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш юзасидан ёзма топшириқ бериши(34-м); терговчи тезкор-қидирув фаолияти материаллари билан танишиб чиқиши, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган ходимларига тергов қилаётган жиноят иши бўйича, шунингдек, жиноят тўғрисидаги ариза ёки хабарни кўриб чиқиш билан боғлиқ материал бўйича ёзма топшириқ бериши, бундай топшириқни бажариш тезкор бўлинмалар учун мажбурийлиги(36-м); суриштирув органи жиноятларнинг олдини олиш, фош этишда зарур тезкор-қидирув тадбирларини амалга

ошириши(37-м 2-қ. 4-б.); суриштирув органи раҳбари жиноят иши бўйича терговчи, прокурор ва судни ёзма топшириқлари бажарилишини, шунингдек, жиноятларни олдини олиш, аниқлаш ҳамда фош этиш билан боғлиқ тезкор-қидириув тадбирини амалга оширишни ташкил этиши, суриштирувчиларга тезкор-қидириув тадбирларини амалга ошириш ҳақида кўрсатмалар бериши(38-м 2, 4-қ.); суриштирув олиб бораётган шахс суриштирув органи раҳбарига тезкор-қидириув тадбирлари, тергов ва бошқа процессуал ҳаракатларни амалга ошириш бўйича кўрсатма бериш тўғрисида асосли илтимоснома билан мурожаат қилиши(39-м 3-қ.); тезкор-қидириув фаолиятига амалга оширувчи органларга маҳфийлик асосида кўмаклашаётган ёки ошкора кўмаклашаётган бошқа шахс ва тезкор-қидириув фаолиятига амалга оширувчи орган ходимининг розилигини олмасдан туриб гувоҳ тариқасида сўроқ қилинmasлиги (60-м 8-б.); гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳнинг кўрсатмалари, шу жумладан, уларнинг аудио ва видео ёзувлари; эксперт хулосалари; ашёвий далиллар; тергов ҳаракатлари баённомалари, суд мажлисининг аудио ёки видео ёзувлари, тезкор-қидириув фаолияти материаллари, ахборот ташувчи воситалар далилларнинг асосий манбасини ташкил этиши(88-м 2-қ.); телефон сўзлашувларини эшитиш тезкор-қидириув тадбирларини ўтказиш ҳақида баённома тузилиши(99-м); тезкор-қидириув фаолияти давомида олинган материаллар қонунчиликка биноан текширилган ва баҳолангандага далил бўлиши(101-м); тезкор-қидириув фаолиятини амалга ошириш орқали далилларни йиғиши (103-м); терговчининг ёзма топшириғида кўрсатилган жойда тезкор-қидириув фаолиятини амалга оширувчи органи ходими тезкор-қидириув тадбирларини амалга ошириб, бу ҳақида 10 кун ичida жавоб маълумотномасини тақдим этиши (184-м 4-қ.); жиноят ишлари терговчига топширилганда суриштирув органлари томонидан тезкор-қидириув тадбирларини ўтказиш терговчининг ёзма топшириғи билан амалга оширилиши, шахси аниқланмасдан қолган жиноят ишлари терговчига топширилганда эса тезкор-қидириув тадбири 10 кун муддатда амалга оширилиб, қўшимча муддат терговчининг ёзма топшириғи билан белгиланиши(186-м 4-қ); тезкор-қидириув фаолиятини амалга оширувчи органга кўмаклашган шахс ёки маҳфий асосда кўмаклашган шахсларни тергов ҳаракатларига жалб этиш тезкор-қидириув фаолиятини амалга оширувчи орган ва ушбу шахсларнинг розилиги олиниб, хавфсизлик чоралари кўрилган ҳолда амалга оширилиши(192-м 4-қ.); жиноятларни тегишлигига кўра, тергов қўмитаси ва давлат хавфсизлик хизматининг дастлакби тергов органларининг терговчилари томонидан тергов

қилиниб (182-м), ишда айбланувчи тариқасида жалб қилиниши лозим бўлган шахснинг шахси аниқланмаса, уни аниқлаш чораларини кўриши, қочиб қетган бўлса қидирув эълон қилиш ҳақида қарор қабул қилиб, тегишли суриштирув органига қидириш ҳақида топшириқ бериши(248-м); тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга кўмаклашган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлашда уларнинг шахсига оид маълумотлар жиноят ишини рўйхатида шартли равишда бошқа номда (ф.и.ш. ўзгартириб) киритилиши (262-м 3-к;) суд мажлисида ушбу шахсларни иштирок этишини таъминлашда тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органнинг топшириғига биноан хавфсизликни таъминловчи орган томонидан хавфсизлик чораси кўрилиши(281-м 3-к)[3] **Озарбайжон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида** жиноятларни фош этиш, бедарак йўқолган шахсларни қидириб топиш ёки йўқолган мулкни излаш бўйича прокурор ва терговчининг топшириғи асосида тезкор-қидирув чоралари амалга оширилиши ва кўрилган чоралар ҳақида хабарномани қабул қилиши(84, 85-мм); суриштирувчи томонидан жиноятларни фош этиш, бедарак йўқолган шахсларни қидириб топиш, йўқолган мулкни излаш юзасидан тезкор-қидирув чораларни кўриш ҳақида суриштирув органига топшириқ бериши; кейинчалик жиноят иши терговчи, прокурорга тақдим этилганида, терговчи ва прокурорнинг ёзма кўрсатмасига биноан суриштирув органи томонидан тезкор-қидирув чоралари амалга оширилиши; суриштирув органи раҳбари тезкор-қидирув тадбирларни амалга оширилишини ташкиллаштириши (86-м); Озарбайжон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонун талабалари асосида тезкор-қидирув фаолияти амалга оширилиб, жиноят-процессуал кодексга биноан текширилиб, баҳолангандан сўнгига далил ҳисобланиши(137-м); тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг жисмоний ёки юридик шахслардан иш юзасидан далилларни тўплаши(143.2-м); ҳибсга олинган шахсни тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш мақсадида тергов ҳибсхонасидан вақтинча ушлаб туриш жойига кўчиришга йўл қўйилмаслиги(159<sup>1</sup>-м 6-б); тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи суриштирув органи ходими томонидан хизмат вазифасини бажариш билан боғлиқ ёки бошқа содир этган жинояти ҳақидаги хабар прокурор томонидан кўриб чиқилиши(208-м 2-к.); суриштирув органи раҳбари жиноят иши кўзғатилгандан сўнг 10 кун ичida терговчи ва прокурорнинг топшириғига асосида дастлабки терговни процессуал раҳбарликда амалга оширилишида алоҳида тергов ҳаракатлари ёки тезкор-

қидирув чоралари белгиланиши (214-м 3-қ. 4-б.); жиноятларни тегишлигига кўра, тергов қўмитаси ва давлат хавфсизлик хизматининг дастлабки тергов органларининг терговчилари томонидан тергов қилиниб(215-м), ишда айбланувчи тариқасида жалб қилиниши лозим бўлган шахснинг шахси аниқланмаса, уни аниқлаш чораларини кўриши, қочиб кетган бўлса қидирув эълон қилиш ҳақида қарор қабул қилиб, тегишли суриштирув органига айбланувчини қидириш ҳақида топшириқ бериши(278-м); тезкор-қидирув фаолиятининг материаллари, иш учун аҳамиятга нарса ва ҳужжатлар турли турар жой, хизмат ёки ишлаб чиқариш биноси ёки боша жойда ёки шахсда бўлганда терговчи тинтув(242-м 1-қ), агарда тезкор-қидирув фаолияти материаллари, аҳамиятга эга объектлар ва ҳужжатларни жойи ва кимдалиги аниқ бўлса олиб қўйиш тергов ҳаракатлари амалга оширилиши(242-м 3-қ); суд назорати ўз ваколати доирасида тергов ҳаракатларини мажбурий ўтказиш, процессуал мажбурий чораларини қўллаши, тезкор-қидирув чораларини амалга ошириш ёки дастлабки тергов ўтказиш жойидаги тегишли биринчи инстанция суди томонидан амалга оширилиши(442-м 1-қ.); шахс ҳукуқ ва эркинликларини чеклаш, турар жой, мулк дахлсизлиги, давлат, хизмат, тижорат сири билан боғлиқ тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишида суднинг (терговчининг тақдимномаси ва прокурор илтимосномаси асосида) рухсат берилиши(442-м 2-қ.); телефон сұхбатларини тинглаш; почта-телеграф ва бошқа ёзишмаларни текшириш; алоқанинг техник каналлари ва бошқа техник воситалардан маълумот олиш; биноларни, шу жумладан, турар-жой, ўралган қурилиш майдончалари, иншоотлар ёки ер участкаларини текшириш; техник воситалар ёрдамида ёки овоз ёзиш мосламалари, видео, фото, кино ва бошқа суратга олиш мосламаларини ўрнатиш орқали яшаш жойини кузатиш; одамларни кузатиш тезкор-қидирув тадбирлари суднинг қарори асосида амалга оширилиши(445-м 1-қ.); кечиктириб бўлмайдиган вазиятларда тезкор-қидирув фао-лиягини амалга оширувчи органнинг асослантирилган қарори асосида тезкор-қидирув тадбирлари амалга оширилиб 48 соат ичидаги суд назоратини амалга оширувчи судга ва дастлабки терговни процессуал бошқаришни амалга оширувчи прокурорга тезкор-қидирув тадбирини ўтказиш тўғрисида асосли қарор тақдим этилиши (445-м 2-қ.); суднинг қарори асосида тезкор-қидирув тадбирлари ўтказишида: тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органнинг илтимосномаси, дастлабки терговни процессуал бошқарувчи раҳбар ва прокурорнинг тақдимномаси; илтимосномага тезкор-қидирув тадбирини амалга оширилишига асос бўладиган зурур ҳужжатлар иловани қилиниши, зарар

хужжатлар илова қилинмаганида прокурор ёки суднинг назорат функциясини амалга оширувчи судья томонидан ушбу хужжатлар талаб қилиниши; илтимосномада тезкор-қидирав тадбирини амалга ошириш сабаби, кимнинг хуқуқлари чекланиши, тадбир қаерда ўтказилиши, кимлар иштирок этиши, қандай натижага эришиш мумкинлиги, тезкор-қидирав тадбирни ўтказмасдан туриб тезкор-қидирав фаолиятининг вазифаларини ҳал этиб бўлмаслиги каби маълумотлар кўрсатилиши(446-м); суднинг рухсати асосида амалга ошириладиган тезкор-қидирав тадбирларини ўтказиш юзасидан мурожаат қилиниши ёпиқ судда, якка тартибда судья томонидан 24 соат ичидা, айрим ҳолларда 48 соат ичидা кўриб чиқилиши, ушбу масалани ҳал этиш суд мажлиси котиби, илтимоснома киритувчи, прокурор ҳамда судья иштирокида амалга оширилиши(447-м); судья илтимосномани ўрганиб чиқиб, тезкор-қидирав тадбирларини ўтказиш ҳақида қарор чиқариши ёки илтимосномани рад этиши(448-м); суднинг қарорисиз тезкор-қидирав фаолиятини амалга оширган мансабдор шахс устидан судга шикоят қилишини (449-м); тезкор-қидирав тадбирини ўтказиш ҳақида суднинг чиқарган қарори, прокурорнинг протести юзасидан шикоят қилиниши(454-м)[4]кабилар белгиланганлиги; **Қирғизистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида** прокурор томонидан тезкор-қидирав фаолиятини, судгача иш юритишни амалга оширувчи орган томонидан қонунларга риоя этилишини ва бажарилишини назорат қилиши(34, 35-мм); терговчининг жиноятларни фош этиш, бедарак йўқолган шахсларни қидириб топиш ёки йўқолган мулкни излаш бўйича суриштирув органида маълумотнома олиши, юритувидаги жиноят иши бўйича суриштирув органига тезкор-қидирав тадбирларини амалга ошириш бўйича ёзма топшириқлар бериши(37-м); суриштирув органи жиноятларни олдини олиш ва фош этиш ҳамда қидиравда юрган шахсларни аниқлаш, фуқароларнинг конституциявий хуқуқларини чекламайдиган тезкор-қидирав тадбирини амалга ошириш, шунингдек, жиноятларни фош этиш ва далиллар тўплашда маҳсус тергов ҳаракатини терговчининг топшириғи асосида тез-кор-қидирав тадбирлари орқали амалга ошириши(39-м); жиноий гуруҳга ёки уюшган гуруҳга ёки жиноий ташкилотга киритилган тезкор-тергов фаолиятини олиб борувчи органнинг мансабдор шахсининг хавфсизлигини таъминланиш орқали маълум бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни аниқлаш мақсадида уни гувоҳ сифатида сўроқ қилинганидан кейин далил сифатида ишлатилиши(82-м 4-к.); ҳибсга олинган гумон қилинувчи билан тезкор-қидирав фаолияти билан шуғулланадиган ходимлар мулоқотга киришишида ушбу жиноят иши бўйича терговчининг ёзма

топшириғи ҳамда фақатгина адвокат иштирокида йўл қўйилиши(101-м 2-қ.); жиноят содир этилганлиги сабабли суриштирув органи воқеа жойини қўриқлаши, жиноят изларини сақлаб қолиш учун зарур чораларни кўриши, шунингдек терговчи, прокурорнинг топшириғига кўра тезкор-қидирув ва шошилинч чораларни кўриши, жиноят содир этган шахсни аниқлаш, жиноят изларини топиш, ўғирланган мулк ва далил сифатида фойдаланиш мумкин бўлган ҳақиқий маълумотларни аниқлаштириши(152-м); терговчи, прокурор, терговга қадар текширув вақтида суриштирув органига тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш ҳақида мажбурий ёзма кўрсатма бериши(153-м);терговчи тергов жойида суриштирув органига тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириши ҳақида ёзма топшириқ бериши, унинг топширигини 10 кун ичида бажариш лозимлиги(160-м); жиноятларни тегишлигига кўра, ички ишлар, миллий хавфсизлик хизмати, прокуратура органлари ҳамда жазони ижро этиш тизимининг терговчилари томонидан тергов қилиниб(159-м); маҳсус тергов харакатларини амалга ошириш(31-боб); ишда айбланувчи тариқасида жалб қилиниши лозим бўлган шахснинг шахси аниқланмаса, уни аниқлаш чораларини кўриши, қочиб кетган бўлса қидирув эълон қилиш ҳақида қарор қабул қилиб, тегишли суриштирув органига қидириш ҳақида топшириқ бериши (248-м)[5]; **Молдова Республикаси** Жиноят-процессуал кодексида асосий тушунча сифатида суд қарорида асосида маҳсус қидирув тадбирлари амалга оширилиши(6-м 25-б); прокурорнинг илтимосномаси асосида маҳсус қидирув тадбирига рухсат берилиши(41-м 1-қ.6<sup>2</sup>-б.); пророр жиноят содир этган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш юзасидан маҳсус қидирув тадбирини амалга оширишда ёзма кўрсатмалар бериши(52-м 1-қ. 14-б.); жиноий тақибни амалга оширувчи суриштирув органи маҳсус қидирув тадбирларни амалга оширили-шини ташкиллаштириши(56-м 2<sup>3</sup>-б.); жиноий тақибни амалга оширувчи суриштирув ходими прокурорга жиноят-процессуал харакатлар ва маҳсус қидирув тадбирларни амалга ошириш учун суддан санкция олиниши учун илтимоснома билан мурожаат қилиши ҳақида таклиф киритиши(57-м 2-қ. 4-б.); гумон қилинувчига нисбатан маҳсус қидирув тадбирлари ўтказилиши прокурорнинг тасдиқлаган қарори асосида амалга оширилиши(63-м 1-қ. 4-б.); маҳсус қидирув тадбирлари натижаларидан жиноят-процесуал қонунчилик талаблари асосида йиғилган бўлсагина далил сифатида фойдаланиши (93-м 2-қ.8-б.,4-қ); айлов хулосаси маълум даражада ҳимоя остидаги гувоҳнинг кўрсатмаси ёки маҳсус қидирув тадбирлари натижасида олинган далилларга асосланмаслиги(101-м 5-қ.); нарса ва ҳужжатларни олиб қўйишида жиноий

тақибни амалга оширувчи органнинг қарори асосида маҳсус қидирав тадбирлари амалга оширилиши(126-м 1-к.); суднинг рухсати асосида 8 та, прокурорнинг рухсати асосида 7 та маҳсус қидирав тадбирлари “Маҳсус қидирав тадбирлари ҳақида”ги қонунда назарда тутилган ихтисослаштирилган бўлинмаларнинг қидирав ходимлари томонидан амалга оширилиши(132<sup>2</sup>-м, 303, 304, 307-м); суд, прокурор ва жиноий тақибни амалга оширувчи органнинг юритувидаги жиноят иши, халқаро шартномалар асосида келиб тушган сўровлари ҳамда бошқа давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи оранларининг сўровлари асосида маҳсус қидирав тадбирлари ўтказилиб, прокурор ушбу маҳсус қидирав тадбирларини мувофиқлаштириши(132<sup>3</sup>-м); кечиктириб бўлмайдиган вазиятларда прокурор ва суднинг рухсати асосида ўтказиладиган маҳсус қидирав тадбирлари қидирав бўлинмаси раҳабарининг қарори асосида амалга оширилиб, бу ҳақда 24 соат ичиде прокурор ва судга хабар берилиши(132<sup>4</sup>-м 3-к.); адвокат ва унинг мижозига нисбатан маҳсус қидирав тадбирларини амалга ошириш тақиқланиши(132<sup>4</sup>-м 10-к.); қидирав бўлинмаси ходими ҳар бир ўтказган маҳсус қидирав тадбирлари ҳақида баённома тузиши(132<sup>5</sup>-м); никобланган қидирав тадбирини амалга ошириш зарурати юзага келганда прокурор бу ҳақида судяни хабардор қилган ҳолда маҳсус қидирав тадбирлари амалга оширилиши(136-м 3-к.); жиноятларни тегишлигига кўра, ички ишлар, божхона хизмати, коррупцияга қарши курашиш миллий маркази, давлат солиқ хизмати терговчилари томонидан тергов қилиниб(253-м), ишда айбланувчи тариқасида жалб қилиниши лозим бўлган шахснинг шахси аниқланмаса, уни аниқлаш чораларини кўриши, қочиб кетган бўлса қидирав эълон қилиш ҳақида қарор қабул қилиниб, тезкор-қидирав фаолиятини амалга оширувчи органнинг қидирав бўлин-маларига прокурор орқали қидириш ҳақида ёзма топшириқ бериши (287<sup>2</sup>-м); шахси аниқланмасдан тўхтатилган жиноят ишлари юзасидан тезкор-қидирав фаолияти амалга оширилиб, амалга оширилган ишларни 6 ойда бир маротаба прокурор томонидан текширилиши(287<sup>2</sup>-м 2-к.); суднинг маҳсус қидирав тадбирларини амалга оширишга рухсат бериши (300-м 1-к.); **Тоҷикистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида тезкор-тергов тадбирлари давомида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини чеклаш тўғрисидаги материалларни кўриб чиқиш тартиби(35<sup>1</sup>-м); прокурор суриштирув органи ходимларига тезкор-қидирав фаолиятини амалга ошириш ва бажарилиши мажбурий бўлган тергов ҳаракатларини ўтказиш бўйича ёзма кўрсатмалар бериши, улардан тергов ҳаракатларини ишлаб чиқаришда ёрдам беришни талаб**

қилиши(39-м); суриштирувчи суриштирув органи раҳбари топшириғига кўра, кечиктириб бўлмайдиган ҳолаларда дастлабки тергов талаб қилинадиган жиноят ишини қўзғатиш, шошилинч тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидириув тадбирларини ўтказиш ва бу ҳақда прокурор ва дастлабки тергов органларига 24 соат ичida хабар бериши(41-м); ушбу кодекс талаблари шартлари асосида тезкор-қидириув фаолияти натижалари олинган бўлсагина далил сифатида тан олиниши(84-м); далиллар йиғишда корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, мансабдор шахслар ва фуқаролар, шунингдек тезкор-тергов фаолияти билан шуғулланувчи органлардан ишга тегишли ҳужжатлар ва буюмларни тақдим этишни талаб қилиши(86-м); иш терговчига топширилганидан кейин, суриштирув органи терговчининг топшириғига биноан, тезкор-қидириув тадбирларини амалга ошириши, жиноят содир этган шахсни аниқлашнинг имкони бўлмаганда иш терговчига топширилганида, суриштирув органи жиноят содир этган шахсни аниқлаш учун тезкор-қидириув тадбирларини амалга ошириши, амалга оширилган ишлар ҳақида терговчини хабардор қилиши(153-м); агарда бошқа ҳудудда тергов ҳаракатларини амалга ошириш лозим бўлса, терговчини ўзи амалга ошириши ёки ўша ҳудуддаги терговчига ёки суриштирув органига топшириши, терговчи тезкор-қидириув тадбирлари ўтказилиши ҳақида ёзма топшириқни дастлабки тергов бошланган жой ёки дастлабки тергов ўтказилаётган бошқа ҳудуднинг суриштирув органига топшириши, унинг топшириғи 15 кун ичida бажарилиши(162-м); прокурор дастлабки тергов ва суриштирув органларидан жиноят ишлари, ҳужжатлар, материаллар ва содир этилган жиноятлар тўғрисидаги бошқа маълумотларни суриштирув ва терговнинг боришини, тезкор-қидириув тадбирини ўтказишини талаб қилиши(168-м); жиноятларни тегишлигига кўра, ваколатли тергов органларини терговчиси томонидан тергов қилиниб(161-м), ишда айбланувчи тариқасида жалб қилиниши лозим бўлган шахснинг шахси аниқланмаса, уни аниқлаш чораларини кўриши, қочиб кетган бўлса қидириув эълон қилиш ҳақида қарор қабул қилиниб, тезкор-қидириув фаолиятини амалга оширувчи органинг қидириб бўлинмаларига қидириув топшириғи берилиши (232-м)[7]; **Туркманистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида прокурор ўз ваколатлари доирасида жиноят ишларини қўзғатишнинг қонунийлигини таъминлаб, тезкор-қидириув фаолияти, суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан процессуал ҳаракатларни амалга оширишда қонунларнинг бажарилишини назорат қилиши(71-м); суриштирув органлари ушбу кодекс талабларига биноан жиноятларни очиш ва уларни содир этган**

шахсларни аниқлаш мақсадида видеоёзув, кино-фотосуратлар, овоз-ёзувларидан фойдаланган ҳолда тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириши, жиноят иши бўйича далил сифатида фойдаланиши мумкин бўлган фактик маълумотларни аниқланиши(77-м); қонун талабларига риоя қилинган ҳолган олинган тезкор-қидирув фаолияти натижалари ушбу кодекснинг далилларни тўплаш, ўрганиш ва баҳолашни тартибга солувчи қоидаларига мувофиқ жиноят ишини исботлашда фойдаланиши(138-м); агар тергов ҳаракатлари бошқа жойда ўтказиш зарур бўлса, терговчи шахсан ўзи амалга ошириши ёки ушбу ҳаракатларни бошқа терговчига ёки ушбу жойнинг суриштирув органига қидирув ҳаракатлари ёки тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишни топшириши, унинг топшириғи 10 кун муддатда кечикирилмай бажарилиши(225-м); прокурор жиноят ишлари, ҳужжатлар, материаллар ва содир этилган жиноятлар тўғрисидаги бошқа маълумотларни, тезкор-қидирув фаолияти билан шуғулланувчи, тергов органларидан текшириш учун олиши (234-м); жиноят иши терговчига топширилганидан кейин, суриштирув органи терговчининг топшириғига биноан, тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириши, жиноят содир этган шахсни аниқлашнинг имкони бўлмаганда, шундай жиноят ишлари терговчига топширилганида эса, суриштирув органи жиноят содир этган шахсни аниқлаш учун тезкор-қидирув тадбирини амалга ошириб, амалга оширилган ишлар ҳақида терговчини хабардор қилиши(235-м); телефон, радио ва бошқа техник воситалар, шу жумладан, компьютер технологиялари ва электрон почта орқали хабарларни ушлаб қолиш суриштирув ва терговчининг прокурор тасдиқлаган қарори асосида тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органга ижро этиш учун юборилиши(282-м); жиноятларни тегишлигига кўра, прокуратура, миллий хавфсизлик ва ички ишлар органларининг терговчиси томонидан тергов қилиниб(224-м), ишда айбланувчи тариқасида жалб қилиниши лозим бўлган шахснинг шахси аниқланмаса, уни аниқлаш чораларини кўриши, қочиб кетган бўлса қидирув эълон қилиш ҳақида қарор қабул қилиниб, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органнинг бўлинмаларига қидирув топшириғи берилиши 310, 311-м);[8]; **Украина Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида гумон қилинувчи, айбланувчи тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг ноқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги натижасида қабул қилган қарорлари, етказилган моддий зарарни қоплаши юзасидан шикоят қилиши, уларга қўйилган гумон ёки айб тасдиқланмаса обрўйини тиклашини талаб**

қилишлари(42-м); Украина “Тезкор-қидирав фаолияти тўғрисида” қонунига биноан тезкор бўлинмалар томонидан алоҳида шахс ва шахслар гурухининг ғайрихуқуқий ҳатти-ҳаракатлари тўғрисида қайд этилган фактик маълумотлар, ушбу кодекс шартларига биноан жиноят процессида далил сифатида фойдаланиши(99-м); тезкор-қидирав фаолиятини амалга оширувчи органнинг ноқонуний қарори, ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги натижасида етка-зилган зарар, қонунда назарда тутилган тартибда Украина давлат бюджети ҳисобидан қопланиши(130-м 1-қ.); жиноятларни тегишлигига кўра, хавфсизлик хизмати, иқтисодий хавфсизликни амалга оширувчи детектив органи, коррупцияга қарши курашиш миллий бюроси ва прокуратура органларининг терговчилари томонидан тергов қилиниб(216-м), ишда гумонланувчи тариқасида жалб қилиниши лозим бўлган шахснинг шахси аниқланмаса, уни аниқлаш чораларини кўриши, қочиб кетган бўлса терговчи ва прокурор қидирав эълон қилиш ҳақида қарор чиқарилиб, тезкор-қидирав фаолиятини амалга оширувчи органга ёзма равишда қидирав топшириғи берилиши(281-м); ноошкора тергов (қидирав) ҳаракатларини амалга ошириш (21-боб)[9]; **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида терговчи ўз юритувига қабул қилган ишлар бўйича тезкор-қидирав тадбирларини бажариш тўғрисида ёзма топшириқ беришга, терговга қадар текширув ёки тезкор-қидирав фаолиятини амалга оширувчи органларга шахсларни ушлаб туриш, мажбурий келтириш, қидириш тўғрисидаги қарорларнинг ижросини топширишга, улардан айрим тергов ҳаракатларини юритишда кўмаклашишни талаб қилиши(36-м); суриштиручи ўз юритувига қабул қилган ишлар бўйича тезкор-қидирав тадбирларини бажариш ҳақида ёзма топшириқлар беришга, терговга қадар текширув ёки тезкор-қидирав фаолиятини амалга оширувчи органларга шахсларни ушлаб туриш, мажбурий келтириш, қидириш тўғрисидаги қарорларнинг ижросини топширишга, улардан айрим тергов ҳаракатини юритишда кўмаклашишни талаб қилиши(38<sup>1</sup>-м); 14 та терговга қадар текширув органларидан 7 та тезкор-қидирав фаолиятини амалга оширувчи органлар жиноят аломатларини ва жиноят содир этган шахсларни топиш, жиноят иши юзасидан далил тариқасида фойдаланиш мумкин бўлган маълумотларни аниқлаш мақсадида илмий-техника воситаларидан фойдаланган ҳолда, зарур чораларни кўриш мақсадида тезкор-қидирав тадбирларини амалга ошириши(39<sup>1</sup>-м 2, 3-қ.); терговга қадар текширувни ёки тезкор-қидирав тадбирларини амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси зиммасига терговчи, суриштирувчи юритаётган иш бўйича айрим процессуал**

ҳаракатларни ва тезкор-қидириув тадбирларини ўтказиш тўғрисидаги топшириқларини бажариш ҳамда терговчига, суринтирувчига процессуал ҳаракатларни бажаришида кўмаклашиши, гумон қилинувчидан, айланувчиdan ёки судланувчиdan тезкор-қидириув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг мансабдор шахслари томонидан аризалар, тушунтиришлар ёки қўрсатувлар олиш мазкур жиноят иши ўз юритуvida бўлган суринтирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ёки судъянинг ёзма рухсатига асосан ва фақат ҳимоячи иштирокида амалга ошириши(39<sup>2</sup>-м 4, 6-қ.); гумон қилинувчи амалда ушланган ёки жиноят жойида ушлаш билан боғлиқ тезкор-қидириув тадбири амалда якунланган пайтдан бошлаб ҳимоячига эга бўлиши(48-м 1-қ.); тезкор-қидириув тадбирларининг натижалари фақат қонун талабларига мувофиқ олинган бўлса, ушбу кодекс нормаларига мувофиқ текширилган ва баҳоланганидан кейин ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ёки тезкор-қидириув тадбирида иштирок этган бошқа шахсларнинг ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган ҳолда шахсда жиноят содир этиш учун шаклланган қасд мавжуд бўлганлигидан далолат берса, ушбу натижалар далил сифатида тан олиниши(81-м 3-қ.); далиллар 15 та тергов ҳаракатлари ва 16 та тезкор-қидириув тадбирларини ўтказиш орқали тўпланиши(87-м 1-қ.); шахс амалда ушланган ёки уни жиноят жойида ушлаш билан боғлиқ тезкор-қидириув тадбири амалда якунланган пайтдан бошлаб у билан боғлиқ процессуал ҳаракатлар амалга оширилгунига қадар унинг ҳимоячи билан холи учрашиши таъминланиб, бу ҳақда баённома тузилиши(225-м 5-қ.); терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқиши, шахсни ушлаб туриш, шахсий тинтуб ва олиб қўйиш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, экспертиза ўтказиш, тафтиш тайинлаш, тезкор-қидириув тадбирларини ўтказиши (329-м 2-қ.); терговчилар гурухи раҳбари терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган ва тезкор-қидириув фаолиятини амалга оширувчи органга тергов ҳаракатларини ёки тезкор-қидириув тадбирларини олиб бориш тўғрисида топшириқлар ва қўрсатмалар бериши (355-м 5-қ.); жиноятларнинг тегишлилига кўра, ички ишлар, прокуратура ва давлат хавфсизлик хизматининг терговчилари томонидан жиноят ишлари тергов қилиниб, айбор шахснинг кимлиги аниқланмаганида ёки у терговдан яширганида уни аниқлаш ва қидириб топиш вазифаси ички ишлар органларининг тезкор бўлинмаларига юклатилиши(345, 365-м); терговчи тезкор-қидириув фаолиятини амалга оширувчи орган орқали айланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб

қилиниши лозим бўлган шахсни аниқлаш ва уни жавобгарликка тортиш чораларини кўриши (367-м 2-қ.); ишда айбланувчи тариқасида иштирок этиш учун жалб қилиниши лозим бўлган шахсни аниқлаш учун дастлабки тергов органлари ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларни жалб қилган ҳолда қўшимча тергов ва процессуал чораларни қўллаш зарур бўлганда прокурор ишни судга қадар юритишнинг ҳар қандай босқичида жиноят ишини дастлабки тергов шаклида тергов қилиш учун дастлабки тергов органига ўтказиши ёки ўз иш юритувига олиши(381<sup>5</sup>-м 4, 5-б.); агар суриштирув ушбу кодекснинг 364-моддаси 1-бандида белгиланган асосларга кўра тўхтатилган бўлса, суриштирувчи тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар орқали ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниши лозим бўлган шахсни аниқлаш ва уни жавобгарликка тортиш чораларини кўриши(381<sup>9</sup>-м 2-б.); прокурор терговга қадар текширувни ёки тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлардан ишларни текшириш учун, содир этилган жиноятларга оид тезкор-қидирув материалларни ва бошқа маълумотларни талаб қилиб олиши(382-м 3-қ. 2-б.); терговга қадар текширувни ёки тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органга шахсни ушлаш, мажбурий келтириш, қидириш ҳақидаги қарорлар, суднинг қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги ажримини ижро этишни, шунингдек, прокурор ёки прокуратура терговчиси юритувидаги ишлар юзасидан жиноятларни очиш ва жиноят содир этган шахсларни аниқлаш учун зарур чораларни кўриш тўғрисида кўрсатмалар бериши (382-м 3-қ. 9-б.); телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшлитиб туришга ҳамда улар орқали узатиладиган ахборотни олишга, уй-жой дахлсизлиги, ёзишмалар, телефон орқали сўзлашувлар, бошқа сўзлашувлар, алоқа тармоқлари орқали узатиладиган почта, куръерлик жўнатмалари ва телеграф хабарлари сир сақланиши ҳукуқларини чекловчи ҳамда абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар ҳақида ахборот олишга қаратилган тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишига рухсат бериши (382-м 3-қ. 12-б.); терговга қадар текширувни ёки тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга терговга қадар текшириш ўтказиш, ишларни қўзғатиш ва тергов қилиш билан боғлиқ бўлган кўрсатмаси мажбурийлиги(382-м 4-қ.) мазмунидаги қоидаларнинг белгилангани ички ишлар органларида тезкор-қидирув фаолиятини жиноят-процессуал таъминлашга ҳукуқий асос бўлади.

Ички ишлар оганларида тезкор-қидириув фаолиятини жиноят-процессуал жихатдан таъминлашда юқорида санаб ўтилган давлатларнинг жиноят-процессуал соҳасида қонунчилиги ўрганилганда *тезкор-қидириув фаолиятига тааллуқли ҳуқуқ нормасининг сони бўйича*: Озарбайжонда 21 та; Молдовада 20 та; Россияда 18 та; Беларусда 17 та; Ўзбекистонда 16 та; Қирғизистонда 34 та; Қозоғистонда 29 та; Тожикистонда 10 та; Турманистонда 10 та; Украинада 37 та нормалар мавжудлиги; *ҳуқуқ нормасини қўлловчи субъектлар бўйича*: суд, прокуратура, давлат хавфсизлик хизмати органлари, тергов қўмитаси, коррупцияга қарши кураш миллий бюроси, давлат солик хизматининг терговчилари, терговга қадар текширувни, тезкор-қидириув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг тезкор ходимлари томонидан процессуал ва тергов ҳаракатлари ҳамда тезкор-қидириув тадбирлари амалга оширилиши; *ҳуқуқ нормаси асосида ҳал қилинадиган масалалар бўйича*: ёзма топшириқ ва ёзма кўрсаматлар ижросини таъминлаш; шахсни ушлаб туриш; жиноятларни олдини олиш ва очиш, қидирудва юрган шахсларни (бедарақ, терговдан ва суддан яширингандарни) қидириб топиш; шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш ва чеклаш билан боғлиқ бўлмаган тезкор-қидириув тадбирларини амалга ошириш; юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда далилларни тўплаш; *ҳуқуқ нормасининг мазмуни асосида тузиладиган ҳужжатлар бўйича*: ариза, баённома, далолатнома, тақдимнома, илтимоснома, қарор каби хужжатларнинг расмийлаштирилиши маълум бўлди. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекс нормаларида назарда тутилган тезкор-қидириув фаолиятини таъминлашга оид қоидалар мазмунида Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги “Тезкор-қидириув фаолияти тўғисида”ги қонун нормаларига ҳавола қилинган бўлиб, назаримизда ушбу икки қонун мазмунида тезкор-қидириув фаолиятини жиноят-процессуал жиҳатидан таъминлашишида ҳуқуқий бўшлиқлар борлигини кўрсатмоқда. Масалан, ички ишлар органларининг тезкор бўлималарнинг ҳуқуқий мақоми жиноят-процессуал кодекснинг 39<sup>2</sup>-моддаси бўйича терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси деб юритилади. Ушбу мансадор шахслар томонидан терговга қадар текширув даврида тезкор-қидириув тадбирлари амалга оширилиб, тезкор-қидириув фаолиятини натижалари юзасидан жиноят ишини қўзғатишдан рад этиш ҳақида қарор қабул қилиниши ёки суриштирувчи, теговчига тақдим этилади. Жиноят-процессуал қонунчиликда терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси томонидан амалга

оширилган тезкор-қидирув тадбирлари тезкор-қидирув фаолиятининг натижалари бўлиб, ушбу кодекс талаблари асосида далил сифатида тўпланиб, текшириб ва баҳоланганидан кейингина мақбул далил деб топилиши ҳақида қоидалар белгиланган. Далилларни тўплашда суриштирувчи, терговчи ва прокурорга терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси кўмаклашиб, уларнинг амалиётда тузаётган ҳужжатлари жиноят-процессуал кодекс нормалари билан тартибга солинманганлиги, шунингдек, ЖПКнинг 367-моддаси 2-қисмида: “терговчи тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган орқали айбланувчи тариқасида ишида иштирок этишига жалб қилинши лозим бўлган шахсни аниқлаш ва уни жавобгарликка тортиши чораларини кўриши шарт” мамунидаги қоидалар 7 та тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органга тааллуқли бўлиб, амалиётда ушбу вазифани фақат ички ишлар органларининг тезкор бўлинмалари амалга ошириши, ушбу масалада юқорида таҳлил қилинган хориж давлатларнинг жиноят-процессаул қонунчилигига шахси аниқланмаган ёки айбланувчини қидиришга оид жиноят ишлари ҳаракатдан тўхтатилиб, терговчи ва прокурорнинг қарори асосида тегишли суриштирув органига шахсни излаш ёки қидириб топиш вазифаси мажбурият сифатида ююқлатилганлигини кўриш мумкин. Ўзбекистон Республикасини Жиноят-процессуал кодексида ушбу мажбурият ички ишлар органларининг тезкор бўлинмаларига юқлатилган. Ваҳоланки, прокуратура ҳамда давлат хавфсизлик хизмати тизимларида фаолият кўрсатаётган тезкор бўлинмалар ходимлари етарли эканлигини инобатга олиб, тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал этиш билан боғлиқ иш юкламасини teng тақсимланишини таъминлаш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида жами **16 та** (36, 38<sup>1</sup>, 39<sup>1</sup>, 39<sup>2</sup>, 48, 81, 87, 225, 329, 345, 355, 364, 367, 381<sup>5</sup>, 381<sup>9</sup>, 382) нормалар тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи тезкор бўлинмаларнинг маълум функцияларни бажаришга оид нормалардан иборат эканлиги, бундан ташқари, **34 та** (95<sup>1</sup>, 135, 136, 137, 139, 140, 141, 162, 172, 174, 180, 182, 183, 187, 187<sup>2</sup>, 213, 218, 219, 222, 320<sup>1</sup>, 320<sup>2</sup>, 321, 322, 328, 331, 333, 334, 336, 338, 587, 588, 589, 590, 591) нормаларида терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси томонидан айрим тергов ҳаракатлари, процессуал ҳаракатлар ҳамда тузиладиган ҳужжатларни расмийлаштиришга доир умумий қоидалар, ушбу органнинг мансабдор шахси томонидан амалга ошириладиган вазифалар кўрсатилган бўлиб, ички ишлар органлари тезкор бўлинмалари тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал этишда *биринчидан*, жиноят-процессаул

қонунчиликда назарда тутилган қоидаларга түлиқ амал қилмаслиги, иккинчидан, айрим ҳужжатлар мазмунан түлиқ тузилмаслиги; учинчидан, тезкор-қидириув тадбирини амалга оширишда қонун талабларига риоя қилинмаслиги масалан, назорат остида олиш тезкор-қидириув тадбирини амалга оширишда 1 нафар шахсга нисбатан тадбир ўтказиш ҳақида қарор тузилиб, аслида икки ёки ундан ортиқ шахслар 1 та қарор асосида ушланиб, Жиноят кодексининг 273, 276-моддалари юзасидан процессуал тартибда тегишли ҳужжатлар тузилиши; *тўртингчидан*, терговга қадар текшириув вақтида намуна олиш ҳақида далолатнома тузилиши, ушбу ҳаракат қонунчиликда назарда тутилмаганлиги; *бешинчидан*, терговга қадар текшириув вақтида жисмоний ва юридик шахслар томонидан нарса ва ҳужжатларни тақдим қилиш ҳолатлари кузатилиб, ушбу тергов ҳаракати ҳам Жиноят-процессуал кодексининг 329-моддаси 2-қисмида кўрсатилмаганлиги; *олтинчидан*, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ тезкор-қидириув тадбирлари прокурорнинг санкцияси асосида амалга оширилиши, аслида ушбу ҳолат Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 19-моддаси: “*Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизdir, улардан суд қарорисиз маҳрум этишига ёки уларни чеклаб қўйишига ҳеч ким ҳақли эмас*” мазмунига зид хисобланиб, Қозогистон, Беларусь, Озарбайжон, Молдова каби ривожланган давлатларни жиноят-процессуал қонунчилигига шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинлигини чеклаш билан боғлиқ тергов ҳаракатлари суднинг қарори (санкция) асосида амалга оширилишини таъкидлаб ўтиш мумкин.

## **ХУЛОСА**

Юқоридагиларни инобатга олиб қуйидагилар таклиф этилади:

*биринчидан*, ички ишлар органларида тезкор-қидириув фаолиятини жиноят-процессуал таъминлашда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекс нормалари мазмунидаги мавхумлик ва ҳуқуқий бўшлиқларни тўлдириш, биринчи навбатда тергов органлари ва тезкор-қидириув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг жиноят-процессуал қонунчиликда назарда тутилган вазифа, мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ иш юкламаларини қайта кўриб чиқиши лозим. Энг аввало, тергов органларини бирлаштириб, Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган сифатида фаолият кўрсатадиган Тергов қўмитасини ташкил этиш зарур ва жиноят кодексининг маҳсус қисмида назарда тутилган жиноятларни тергов қилиш соҳаси ва тегишлилигидан келиб чиқкан ҳолда тенг тақсимланиши мақсаддага мувофиқдир;

иккинчидан, тезкор-қидирав фаолиятини амалга оширувчи давлат органлари ўтказган тезкор-қидирав тадбирлари натижалари бўйича ёки ушбу органлар томонидан аниқланадиган жиноят тури бўйича тадбир ўтказилиб, фош этилмасдан қолаётган жиноятлар юзасидан айбланувчини шахсини аниқлаш чораларини кўриш, тегишлилиги бўйича масъул тезкор-қидирав фаолиятини амалга оширувчи давлат органларининг тезкор бўлинмаси томонидан амалга оширилишини қонунчиликда белгилаш. Бунинг учун ЖПКнинг 367-моддаси 2-қисмини қўйидаги таҳрирда: “*Тергов қўмитасининг терговчиси тўхтатилган жиноят ишлари бўйича тегишли тезкор-қидирав тадбирларини ўтказилишига ваколатли тезкор-қидирав фаолиятини амалга оширувчи масъул орган орқали айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишига жалб қилинши лозим бўлган шахсни аниқлаши ва уни жавобгарликка тортиши чораларини кўриши шарт*” мазмунида баён этиш лозим;

учинчидан, шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинлигини чеклаш билан боғлиқ бўлган “*турар жой дахлсизлигига, ёзишмалар, телефон орқали сўзлашувлар ва бошқа сўзлашувлар, алоқа тармоқлари орқали узатиладиган поча, курьерлик жсўнатмалари ва телеграф хабарларининг сир сақланишига бўлган ҳуқуқларни чекловчи, шунингдек абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишилар тўғрисидаги ахборотни олиш*” тергов ҳаракатлари ҳамда тезкор-қидирав тадбирларини ўтказишга суднинг рухсати (санкцияси) асосида амалга оширилишини Жиноят-процессуал кодекси ва “Тезкор-қидирав фаолияти тўғрисида”ги қонунда белгилаш;

тўртинчидан, ички ишлар органлари тезкор бўлинмалари терговга қадар текширувни амалга оширишдаги айrim ҳаракатларини қонуний бўлишини таъминлашда терговга қадар текширув текширув вақтида нарса ва ҳужжатларни тақдим этиш тергов ҳаракатини амалга оширилишини Жиноят-процессуал кодекснинг 329-моддаси 2-қисмида баён этиш ва қўйидаги таҳрирда: “*Ушбу модда биринчи қисмида кўрсатилган муддат ичida терговга қадар текшируv ўтказилиб, унинг давомида қўшимча ҳужжатлар, тушунтиришилар талааб қилиб олиш, шунингдек шахсни ушлаб туриши ушбу Кодекс 162-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ амалга оширилади, шунингдек, шахсий тинтuv ва олиб қўйиш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириши, экспертиза ўтказиши, тақдим этилган ашёлар ва ҳужжатларни қабул қилиши, тафтиши тайинлаш ва тезкор-қидирав тадбирлари ўтказилади. Терговга қадар текшируv вақтида бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиши ман қилинади*” мазмунида баён этиш мақсадга мувофиқдир;

бешинчидан, Қирғизистон, Қозоғистон ва Украина қонунчилигига асосланиб тезкор-қидириув фаолиятининг вазифаларини ҳал этилиши билан боғлиқ жиноят ишларини юритишнинг самарадорлигини оширишда Тергов қўмитасининг терговчиси томонидан маҳсус ваколатли давлат органлари билан бевосита (тўғридан-тўғри) ҳамкорликда маҳсус (ноошкора) тергов ҳаракатларини ўтказиш тартибини Жиноят-процессуал кодексида белгилаш лозимдир. Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, ички ишлар органларида тезкор-қидириув фаолиятини жиноят-процессуал таъминланиши тезкор бўлинмалар терговга қадар текшириш, дастлабки тергов ва суд босқичларида топшириқ ва ёзма кўрсатмаларни ҳамда тезкор-қидириув тадбирларини қонун талаблари асосида ташкил этишига хизмат қиласди.

## **REFERENCES**

1. Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации от 18 декабря 2001 года № 174-ФЗ (с изменениями и дополнениями по состоянию на 07.10.2022 г.) // Электрон манба: continent-online.com (мурожаат вақти: 29.11.2022).
2. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан от 4 июля 2014 года № 231-V (с изменениями и дополнениями по состоянию на 18.11.2022 г.) // Электрон манба: continent-online.com (мурожаат вақти: 29.11.2022).
3. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Беларусь от 16 июля 1999 года № 295-З (с изменениями и дополнениями по состоянию на 20.07.2021 г.) // Электрон манба: continent-online.com (мурожаат вақти: 29.11.2022).
4. Уголовно-процессуальный кодекс Азербайджанской Республики (утвержден Законом Азербайджанской Республики от 14 июля 2000 года № 907-IQ) (с изменениями и дополнениями по состоянию на 08.07.2022 г.) // Электрон манба: continent-online.com (мурожаат вақти: 30.11.2022).
5. Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызской Республики от 28 октября 2021 года № 129 (с изменениями от 18.01.2022 г.) // Электрон манба: continent-online.com (мурожаат вақти: 30.11.2022).
6. Уголовно-процессуальный кодекс Молдова от 14 марта 2003 года № 122-XV (с изменениями и дополнениями по состоянию на 21.07.2022 г.) // Электрон манба: continent-online.com (мурожаат вақти: 30.11.2022).
7. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Таджикистан от 3 декабря 2009 года (с изменениями и дополнениями по состоянию на 19.07.2022 г.) // Электрон манба: continent-online.com (мурожаат вақти: 30.11.2022).